

## Саудия Арабистони Қуръон мусобақаси финал босқичида 122 киши қатнашмоқда



16:46 / 13.02.2019 2470

Мусобақа 16 февралдан 21 мартгача Ар-Риёд шаҳрида бўлиб ўтади, деб хабар беради el-Mevatin ахборот манбаси. Маълумки, Саудия Арабистонидаги Қуръон мусобақаси анча олдин бошланган бўлиб, у бешта босқичдан иборат тартибда тузилган. Ҳудудий босқичларда ғолиб чиққанлар финал босқичига йўлланма олганлар. Исломий ишлар тарғиботи ва иршоди вазирлиги, Халқаро ва миллий мусобақалар бош котиби Салмон ибн Абдулазиз Фаҳиднинг айтишича, мусобақда ғолиб бўлганлар Саудия Арабистони номидан турли халқаро Қуръон мусобақаларда қатнашиш ҳуқуқига эга бўладилар.

***Islom.uz* портали таҳририяти**